Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил **18 май** ЧОРШАНБА **№ 40** (12884)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

– Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини қонун талаблари асосида ўтишига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, – дейди Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгаши қошидаги кўмаклашувчи комиссия раиси Отабек Аноров. – Аҳолининг сайлов ҳақидаги бой тасаввур ва тушунчалари эса ўтказилган 20 га яқин сайловларнинг юксак савияда ташкил этилишида муҳим омил бўлди. Бу эса маҳалла тақдирига бефарқ бўлмаган, халқ ўртасида обрў-эътиборга эга раис ва унинг маслаҳатчилари сайланишига замин яратмоқда.

Жорий йилнинг 10 майидан Бўка туманида бошланган сайловлар қизғин паллага кирган. Шу кунгача туманда мавжуд 47 та фуқаролар йиғинларининг 19 тасида муҳим жараён бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартдаги қарорига мувофиқ кўрилган тайёргарлик сайловларнинг уюшқоқлик билан ўтишини таъминламоқда.

❑ Кучли фуқаролик жамияти сари

*16 май. Соат 17.00. Ангрен шаҳридаги 18-умумтаълим мактаби "Тараққиёт" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан гавжум. 5 минг 352 нафар аҳоли номидан келган 70 га яқин вакиллар маҳалла раислиги учун кўрсатилган номзодларнинг дастурини диққат билан тингладилар. Очиқ овоз бериш йўли билан ўтган сайловда аксар вакиллар олий маълумотли, асл касби педагог бўлган Шуҳрат Тенглашовнинг номзодини ёқлаб овоз берди. Сабаби, унинг дастурида илгари сурилган аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, ёшларни иш билан таъминлаш, ҳудудда болалар майдончаларини кўпайтириш ҳамда мавжудларини янгилаш бўйича фикрлари барчага маъқул келди. Шу куни, раиснинг 11 нафар маслаҳатчиси ҳам сайланди. Энг муҳими, сайлов муқобиллик, ошкоралик ва тенглик каби тамойиллар асосида ўтди.*

## РАИС ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САЙЛАНДИ

Жумладан, "Қорақудуқ" маҳалла фуқаролар йиғинида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ 2 минг 450 нафар сайловчини рўйхатга олди. Маҳалла фаоллари томонидан раисликка 3, раис маслаҳатчилигига 18 нафар номзод тавсия этилди. 19-умумтаълим мактабида ўтказилган сайлов натижасига кўра, 53 ёшли Хуррам Туропов маҳалла раиси этиб сайланди.

Куни кеча Паркент туманининг "Чўққайма" маҳалласида бўлиб ўтган сайлов ҳам юртимизда кучли фуқаролик жамияти шаклланаётганининг яққол намойиши бўлди. Вакиллар учун раисликка кўрсатилган икки маҳалладошлари – Дониёр Ҳусанов ва Фарҳод Эрназаров номзодидан бирини танлаш хийла оғир кечди. Боиси, бу икки номзод ҳам айни кучга тўлган, эл корига ярайдиган ёшда, ҳаётни кўрган, обрў-эътиборга эга, олий маълумотли. Шунинг учун киритилган таклифга мувофиқ, вакиллар раисни яширин овоз бериш йўли билан сайлашни маъқул топдилар. Саноқ комиссияси хулосасига кўра, вакилларнинг ярмидан кўпининг овозини тўплай олган номзод Фарҳод Эрназаров "Чўққайма" маҳалласи раислигига сайланди. Шу куни оқсоқолнинг 11 маслаҳатчиси ҳам муқобиллик асосида танлаб олинди.

Ҳа, бугунги кун раиси одамлар қалбига йўл топа олиши, уларнинг фикри билан ҳисоблашиши, ҳудуддаги давлат ва жамоат ташкилотлари кўмагидан самарали фойдаланиши, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаши, вазминлигу қатъийлик билан иш олиб бориши лозим. Ана шундай сифатларни ўзида мужассам этган раисга эга бўлган маҳалла обод бўлади, аҳолиси тинч, аҳил ва фаровон ҳаёт кечиради.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бундай оғир ва шарафли юкни кўтаришга қодир бўлган инсонни танлаб, унга юксак ишонч билдириш эса сизу бизнинг фуқаролик бурчимиздир. Зеро, Президентимиз айтганларидек: "Маҳалла тепасида ҳалол ва пок одамлар туриши керак. Чунки, одамлар ана шундай ҳалол кишиларнинг ортидан эргашади, уларнинг гапини икки қилмайди".

Бу очиқ ва ҳаётий фикр вилоятимиз бўйлаб ўтаётган фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловининг бош шиорига айланиб бормоқда, десак янглишмаймиз.

**Нозима РАСУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



## ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Вилоят ҳокимлигида "Давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида юридик хизмат ва норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари" мавзуида семинар бўлиб ўтди.*

*Семинарни вилоят ҳокими Содиқ Абдуллаев олиб борди.*

❑ Вилоят ҳокимлигида

Адлия вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқотда қайд этилганидек, мамлакатимизда давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатини янада яхшилаш, юридик хизматнинг роли ва жавобгарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда 2012 йил 24 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Жумладан, мазкур Қонунга мувофиқ вазирлик, давлат қўмита ва идораларининг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритишса маъмурий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди.

Қонунда, шунингдек, ҳуқуқий экспертизанинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун шароит яратадиган ҳамда тадбиркорлар учун асоссиз харажатлар келтирувчи ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этадиган норма ва қоидалар мавжудлигини аниқлашга қаратилган турларини юритиш хусусида сўз борди.

Семинарда, шунингдек, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, норма ижодкорлиги, норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган қарор лойиҳаларини тайёрлаш, қонунийликни таъминлашда юридик хизматларнинг роли каби мавзуларда атрофлича маълумот берилди.

Сўз олганлар мавзу юзасидан мунозара юритиб, зарур тавсия ва таклифларни ўртага ташладилар.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

❑ Муносабат

*Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий бобомиз "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида Парвардигори олам ўз буюк қудрати билан инсонни "ал-мутакаллим", яъни "сўз эгаси" қилиб яратганини таъкидлаб ўтар экан, "Ва то ул бу мазҳарият шарафидин жамиъи махлуқотқа сарафроз бўлди ва бу ташриф била борисидин имтиёз топти", дейди.*

## МИЛЛАТ КАМОЛИ УЧУН

**Президентимиз Ислом Каримовнинг "Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонини ўқиб**

Ундан буён неча асрлар ўтди, не-не замонлар кечди. Бу тил, бу адабиёт қанчадан-қанча хору сарсонликларни бошдан кечирди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур тимсолида ёру диёр соғинчида нолалар чекди, Бобораҳим Машраб бўлиб дорга осилди, "Фиғонким гардиши даврон..." дея ўз оҳу зорлари остида ўз Ватанидан бадарға қилинди.

Бир замонлар бўлдики, босқинчи ва истилочи кучлар томонидан Самарқанд, Бухоро, Хоразм минорлари тимсолида ўқбўрон қилинди, тўпга тутилди. Бу тил, бу адабиётнинг боболар ётган табаррук қадамжолари ўша мустабид тузумларнинг ўғитхонасига айлантирилди. Муқаддас обидалар қандай емирилган, поймол қилинган бўлса, бу тил, бу адабиёт ҳам худди шундай камситилди, топталди ва хўрланди. Юртпарварлик, миллатпарварлик каломи, ҳақ сўз учун бу адабиёт қатағон қилинди, "Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам ҳур туғилғонсен" дея фарёду фиғон қилган Чўлпонлару Қодирийлари бир бошдан "Қиличларнинг тилларида қизил қон" замонларнинг қиличидан ўтказилди. Миллатнинг бошига нимаики хору зорлик тушган бўлса, тил ва адабиёт ҳам жонидан ўткарди, тил ва адабиёт нимаики камситиш ва таҳқирлашга дучор қилинган бўлса, халқ ва миллат ҳам бундан "бебаҳра" қолмади.

Давоми 2-бетда.

❑ Орамиздаги одамлар

## «УМРИНГДАН БИР КУН ҚОЛСА ҲАМ ГУЛ ЭК»,

### *дейди Бекобод туманилик Қаюм Туропов*

*Халқимизда "Сариштали уй – фариштали уй" деган нақл бор. Қадимдан юртдошларимиз манзил-маконни, кўча-ю маҳалласини, уйларини обод, саранжом-саришта сақлашган. Озода ва саранжом бўлмаган уйга барака кирмайди, деб ҳисоблашган. Хонадон ободлиги, унда истиқомат қилувчиларнинг меҳнаткашлигига боғлиқ. Меҳнат қилган элда азиз. Томорқасида турли дарахт ва гуллар экиб, боғ қилаётганлар бугун юртимизда талайгина.*

Давоми 2-бетда.



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

❑ Эзгулик

*Бўстонлиқ туманидаги "Шайх Умар Валий Боғистоний" зиёратгоҳида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида "Тарихдан садо бергувчи обод гўшалар" акцияси ташкил этилди. Унда партия фаоллари, умумтаълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари, маҳалла етакчилари иштирок этди.*

## *Уйғоқ диллар, обод манзиллар*

Акция доирасида зиёратгоҳда кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Хусусан, тарихий обиданинг ички ва ташқи қисмлари, атрофдаги ариқ-зовурлар тозаланди, гул ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Тадбирда республикамизнинг бошқа вилоят ва туманларидан келган зиёратчилар ҳам фаол иштирок этишди. Иштирокчиларга Шайх Умар Боғистонийнинг ҳаёти ва фаолияти, мажмуанинг барпо этилиш тарихи ҳамда обидадаги тошларга ўйиб ёзилган битиклар билан боғлиқ маълумотлар берилди.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

## ИНТЕНСИВ БОҒЛАР – ТЎКИНЛИК МАНБАИ

*Юқори Чирчиқ туманидаги "Экоагропродукт" фермер хўжалигида 2015 йилда барпо этилган интенсив боғда гилос пишиб, олмага ранг кирди.*

❑ Бугуннинг гапи

– Кўчатлар қисқа вақтда ҳосилга кириши интенсив боғнинг афзаллигидир, – дейди фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Қаҳрамон Илҳомбеков. – Бу йил дастлабки ҳосилдан гектаридан 10 тоннадан мева териб олишни мўлжаллаяпмиз. Кейинчалик ҳосилдорлик 40-50 тоннага етиши кутилмоқда.

Хўжаликда ўтган йили 137 гектар майдонга қуёш нурининг тушиши, шамол йўналиши ҳисобга олиниб, 40 сантиметр чуқурликда ҳайдалган тупроққа интенсив технология асосида олма, шафтоли, гилос, ўрик, олхўри, нок кўчатлари ўтқазилган эди. Бордонкўл атрофидаги текисликда жойлашган боғ томчилатиб суғорилмоқда. Бу илғор услуб майдонларни суғоришда сувни икки бараваргача тежаш имкониятини беради. Ўғит сув билан эритма ҳолда айнан кўчат тупларининг ўзига етказилиши ҳосилдорликни ошириб, тупроқ эррозиясининг олдини олишга ҳам хизмат қилмоқда.

– Интенсив боғлардаги дарахтларнинг танаси кичик бўлганлиги учун улар билан ишлаш қулай, – дейди тажрибали боғбон Шерзод Ҳайдаров. – Меванинг сифати юқори ва териш анча осон. Бунда иш унумли, юқори бўлиши билан бирга терилган меваларнинг сифатига зарар етмайди, нобудгарчилик камаяди.

Боғбонлар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини мамнуният билан кутиб олишди.

– Мева-сабзавотнинг давлат буюртмасига киритилгани бизни қувонтирди, – дейди фермер тўлқинланиб. – Бозорларимизни тўлдираётган сархил мевалару дармондориларга бой сабзавот маҳсулотларини хорижга экспорт қилинишига янада кенг йўл очган мазкур қарор ҳаётимиз бундан-да фаровон бўлишига хизмат қилади. Қайси мамлакатда шундай ширин-шакар мевалар бор? Бизда етиштирилаётган карсиллаган ҳусайнию тоифи, олма, ўриклар асал билан беллаша олади. Мева-сабзавот етиштирувчиларнинг экспорт корхоналари билан шартномалар тузганда комиссион нархи 1 фоиздан ошмаслиги, 2019 йилнинг 1 январигача мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар замонавий технологиялар олиб киришда божхона тўловлари каби бир қатор тўловлардан озод этилгани Президентимизнинг биз, фермерларга кўрсатаётган ғамхўрлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан самарали фойдаланаётган фермер хўжалигининг моддий-техник базаси йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Жорий йилда етиштирилган ҳосилни сақлайдиган, 6 минг тонналик музлаткич қуриш мўлжалланмоқда.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

## МАЪНАВИЙ ТАРҒИБОТНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ

*Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тарғибот, аҳолининг турли қатламларига йўналтирилган аниқ мақсадли тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги, шубҳасиз, жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга.*

❑ Нуқтаи назар

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва уларнинг одамлар турмуш тарзидаги ижобий натижалари, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тобора мустаҳкамланиб бораётган нуфузи, таниқли давлат ва жамоат арбобларининг мамлакатимизда мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳбарлигида илм-фан, тиббиёт, таълим-тарбия, шаҳарсозлик, қурилиш, маданият ва санъат, спорт ва бошқа соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар тўғрисидаги эътирофлари ёши ва касб-коридан қатъи назар, ҳар бир ватандошимизни чексиз ғурурлантиради. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида ўз йўлини топиб олишига шубҳа билан қараганлар ҳам бугун ундан кўп нарсаларни ўрганиш мумкинлигини очиқ-ойдин айтмоқдалар. Бу ютуқлар қандай қўлга киритилгани, халқимизга хос улуғ фазилатлар – сабр-бардош, мамлакат келажагига қатъий ишонч, ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлиб яшаш, тинчлик-тотувликни асраш, бағрикенг бўлиш, ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиш боис жуда кўп тўсиқларни енгиб ўтганимиз, ғоят мураккаб шароитларда ҳам ўзлигимизни йўқотмаганимиз эндиликда истиқлол йилларининг ноёб ва ибратли тарихига айланиб қолди.

Бугун бу тўғрида ўсиб келаётган ёш авлодга – истиқлол йилларида туғилиб, вояга етган, дунёқараши шу йилларда шаклланган азиз фарзандларимизга сўзлаб беришимиз жуда ҳам зарур. Давлатимиз раҳбарининг асарлари, нутқ ва маърузаларида олдимизга қўйилаётган янги, янада кўламли вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ҳар биримизнинг бурч ва масъулиятимиз тўғрисида ёшларга маълумот беришимиз, табиийки, уларнинг миллий истиқлол ғояларига садоқатини, мамлакатимизнинг буюк келажагига ишончини янада мустаҳкамлайди.

Давоми 4-бетда.

Муносабат

# МИЛЛАТ КАМОЛИ УЧУН

Бошланиши 1-бетда.

Тарихда давлат пешволарининг аҳолини, халқни бутун бошли миллатга, мамлакатни яхлит Ватанга айлантирадиган китоблари, маъруза ва фармонлари бўлган. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг "Темур тузуклари", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарлари бунинг ёрқин далилидир.

Истиқлолимизнинг Бош меъмори, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида", "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" китоблари, Президентимиз республика раҳбари этиб сайланган куннинг эртасигаёқ, яъни 1989 йилнинг 24 июнида сўзлаган, китобга "Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди" сарлавҳаси билан киритилган маърузаси ҳам Ватанимиз равнақи ва миллатимиз камолини белгилаб берувчи ана шундай тарихий-дастурий асарлар қаторида ўзининг муносиб ўрни ва мақоми борлиги билан ғоят қадрлидир. Биз бугунги озод ва обод ҳаётимизга осонликча эришмадик. Мамлакатимиз раҳбарининг ўз халқи ва келажак тақдири ҳақида қайғуришининг, жасорат ва матонат, Шахс ва улкан қалб, юксак тафаккур ва мардоналикнинг тарихий битиклари бўлмиш бу асарларни ҳақиқатан ҳам элу юрт тақдиридан айро ҳолда, элу юрт тақдири ва камолини эса бу асарлардан ажратган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас...

Президентимизнинг "Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ҳам, айтиш мумкинки, мустақиллик йилларининг ана шундай тарихий ва залворли ҳужжати сифатида истиқлол зарварақларидан муносиб жой олади. Кечмиш тарих ҳам, кечаги кун, бугунги замон ва келажак ҳам баб-баравар кенг қамраб олинган мазкур фармонни, таъбир жоиз бўлса агар, сермазмун, ҳар томонлама пухта ва мукаммал тарихий асарга қиёслаш мумкин. Фармон олис ва яқин тарих, маърифатпарвар ота-боболаримиз ҳақида, мустабид замонларнинг қаттол қиёфасию маданиятимиз, тил ва адабиётимиз бошига тушган балолар, қатағон йилларнинг армонларию ғурур ва ифтихоримиз хусусида, маънавий камолот, миллат равнақию ёш авлод тақдири ҳақида кенг ва мўл маълумот бериш баробарида киши қалбини жунбишга келтиради, фикр ва мулоҳаза қилишга, масъуллик ва дахлдорликка ундайди, ўйлантиради, фахр ва ифтихор бағишлайди.

Ушбу тарихий фармон шундоққина ўз-ўзидан пайдо бўлмагани, унинг ҳар сатри ва ҳар бандида юксак идрок ва тафаккур, қалб ва юрак нафас олиб, бедор уриб турганини кўриш мумкин. Шу маънода мазкур ҳужжат "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" асарининг маънавий-узвий давоми янглиғ тил ва адабиёт аҳли учун ўз вақтида қабул қилинган, керакли ва ибратли, айни пайтда қувончбахш ва ғурурбахш маърифий-тарихий дастуриламал ҳамдир.

Сир эмас, жамиятимизнинг маънавий иқлими, маърифат ва маънавиятимиз, тил ва адабиёт аҳли билан ўсиб келаётган ёш авлод аллақачон шундай номдаги олий таълим даргоҳига муҳтож эди. Ва бу эҳтиёж ўз-ўзидан пайдо бўлмаганини ҳаммамиз яхши биламиз. Айниқса, ўқувчилик-талабалик йиллари собиқ мустабид тузум даврига тўғри келган ватандошларимиз юрак-юрагидан ўтказиб яшагани, битта-яримта ёш ижодкорларимиз озиб-ёзиб ёт ўлкалардаги адабиёт институтларида тасодифан ўқишга кириб қолса, ҳам ҳавас, ҳам ўкинч ва армон қилганларимиз ҳам бор гап. Мен бир ижодкор сифатида юксак шараф билан ному насаблари берилаётган бобомиз Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт университетига бу йил ўқишга кириб, шу олий мақомли таълим даргоҳида талабалик гаштини суриш насиб этадиган ука-сингилларим, ўғил-қизларимизга қувонч билан ва астойдил ҳавасим келаяпти. Истиқлол шарофати билан номлари ҳам, мақомлари ҳам муносиб тикланган, қадр ва шараф топган Навоий бобомизнинг паноҳида юргандай, ул зотнинг кўркам ва ораста набиралари бу илму адаб бўстонида яйраб-яшнаб таълим олиб юрса, бунга шу юртнинг фарзандиман деган ҳар кишининг ҳаваси келмоғи тайин! Бу олийназар даргоҳдан насиб этса, келажакда адабиётимизнинг Навоийларию Бобурлари, Чўлпонларию Қодирийлари чиқишига ишонамиз.

Биз ўзга юртлардаги Адабиёт музейларига маҳлиё бўлиб, ҳавас билан қарардик. Президентимиз фармони билан янги очилажак университет таркибида Ўзбек тили ва адабиёти музейи ташкил этиш тўғрисидаги юксак эҳтиром ва эътиборни кўриб, кўзимизда ёш қалқди. Бундан кейин устоз адибларимизнинг ертўла ва эски қутиларда чанг босиб ётган қўлёзмаларию хат ва ёзишмалари ҳам шу эътибор туфайли бўлажак муҳташам музейдан ўз муносиб мавқеини эгаллайди.

Янги университет таркибида, инглиз-ўзбек таржима факультетининг ташкил этилиши, айниқса, ниҳоятда керакли ва вақтида қабул қилинган қарор бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Истиқлол берган ҳуқуқ ва эркинлик туфайли кейинги йилларда ёш таржимонлар сафи тобора кенгайиб, бу борада маълум ютуқларга эришилган бўлса-да, ушбу жараён тарқоқ ҳолда кечаётган эди. Махсус таржимонлик факультетининг очилиши, шак-шубҳасиз, келажакда адабиётимизга етук таржимонларни ҳам етказиб бериш, ўзбек адабиётини жаҳон аҳлига маълум ва машҳур қилишдек олижаноб ва шарафли вазифани амалга ошириш борасида мустаҳкам пойдевор бўла олади.

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**
**ЎзА.**




# ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

*Қибрай молия-иқтисодиёт коллежида "Инновацион таълим технологияларини амалиётга жорий этишни такомиллаштириш" мавзуидаги семинарнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.*

Тажриба



Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ахборот-методик таъминлаш хизмати ҳамкорлигида уч босқичда ўтказиш режалаштирилган мазкур семинар-тренинг ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг инновацион таълим технологияларини амалиётга жорий этишини такомиллаштириш ва педагог ходимларнинг касбий лаёқатини оширишдаги илғор тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштиришни мақсад қилган.

Биринчи босқичда тайёрланган 28 модератор академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 122 нафар махсус фан ўқитувчиси ҳамда 224 нафар ишлаб чиқариш таълими устасини ўқитди. Машғулотлар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтилиб, асосий эътибор янги инновацион технологиялар асосида дарс ўтишни такомиллаштириш, ўқув-услубий мажмуалар яратиш, ишлаб чиқариш таълими устаси шахсий ҳужжатлар жамланмасини тайёрлаш ҳамда сифатини экспертизадан ўтказишга қаратилмоқда. Бир ҳафта давом этган машғулотлар баҳс-мунозараларга бой ўтди.

– Таълим тизимига янгиликлар олиб кириш, инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир, – дейди модератор Бахтиёр Кенжаев. – Шу жиҳатдан қараганда, бу каби семинарлар ўқитувчининг маҳорати, инновацион технологияларни таълим жараёнига моҳирона татбиқ этиши, таълимнинг янги йўл ва усулларини излаш, педагогик тажрибалардан ижодий фойдаланишида жуда муҳимдир. Энг асосийси, олган билимларини фаолият юритаётган муассасаларида татбиқ этиш кўникмасининг шаклланганидир.

***Жамила РАҲИМОВА.***
*Даврон АҲМАД олган суратлар.*

# «УМРИНГДАН БИР КУН ҚОЛСА ҲАМ ГУЛ ЭК»,

*дейди Бекобод туманилик Қаюм Туропов*

Бу фикрларнинг исботини Бекобод туманидаги "Истиқлол" маҳалласида яшовчи Қаюм Туропов фаолияти мисолида кўриш мумкин. Маҳалла посбони билан уларнинг хонадонларига меҳмонга бордик. Бизни хуш кайфиятда кутиб олган уста гулчи барқ уриб ўсаётган яшил "салтанат"и сари бошлади. Ичкарига кирарkансиз, ўзингизни сеҳрли оламга тушиб қолгандек ҳис этасиз.

Гулхонада 200 турдан ортиқ кўчат барқ уриб ўсиб ётибди. Тувакларда бизга таниш ва нотаниш бўлган турли гуллар бор. Номини санаб, адоғига етолмайсиз. Хонадон соҳибининг айтишича, булар унинг 30 йиллик меҳнати самараси.

– Гулчилик одамдан сабр-тоқат талаб қилади, – дейди у. – Бунинг учун аввало, табиатни, ўсимликларни севиш керак. Болалигимдан табиатга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашган. Ҳар бир гулни, ниҳолни асраб-авайлашни ўргатишган. Шу-шу гулларга қизиқишим баланд.

Гулхонани айланиш баҳонасида Қ. Туропов бизга ҳар бир гулнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлаб берди. Қайси гулга қандай парвариш кераклигидан тортиб, уларнинг барқарор ривожланиши учун нималарга аҳамият бериш кераклигигача тўхталди.

– Гулларимни дарё қуми, қипиқ, ғўза чиқиндиси аралаштирилган тупроққа экаман. – деб сўзида давом этди у. – Бу ҳар қандай қўшимча, дорию минераллардан афзал. Дастлаб, ғўза пўчоқ чиқиндисини озгина сувга солиб, нам ҳолатда чиритаман. У ўзидан иссиқлик чиқаради. Гулхонадаги ҳарорат ҳам шундан чиқаётган иссиқлик эвазига мўътадил бўлади. Совуқ кунларда иссиқсевар гулларни унинг устига қўяман.

Мана сизга табиий газдан фойдаланмай, иссиқхонани қизитиб, гул етиштиришдаги омилкорлик.

– Дарахтларни кўпайтириш, парваришлаш ҳам севимли машғулотларимдан, – дейди Қаюм ака. – Мўъжазгина лимонариям бор. Смородина ва каштан ёнғоғини эккан-ман. Энди япон беҳиси ва киви экиш ниятидаман. Чет элларнинг тансиқ мевали дарахтлари бизнинг юртимизда кўкарса, ҳосил берса, қандай яхши. Очиғи, шундай бўлиши ҳам керак. Чунки, юртимиз ҳақиқатан ҳам жаннатмакон, ерга таёқ суқсанг, дарахт бўлиб кўкаради. Келажакда дунёдаги бор мевали дарахт турлари юртимизда ҳосил тугса, ажабланмаган бўлардим.

Хонадон соҳиби билан суҳбатлашарканмиз, атрофга назар ташлаймиз. Ҳовлининг бир четида она-бола эчки, бир четида товуқ ва жўжалар, ташқарида эса 12 та асалари уяси. Билсак, бу оиланинг ўзига хос "саломатлик бурчаги" экан.

– Асалариларга турмуш ўртоғим Зиёда қарайди, – дея изоҳ берди суҳбатдошимиз. – Эчкию товуқларга мен, гулларга эса иккаламиз. Шулардан топган даромадимизни инвестиция сифатида хўжалигимизни ривожлантиришга сарфлаймиз. "Ерни боқсанг, ер сени боқади" деганларидек, даромадимиз тўкин ҳаёт кечиришимиз учун бемалол етади.

Моҳир гулчи, тиниб-тинчимас кўчатчи етиштирган гул кўчатлари юртимизнинг кўплаб кўчаларига файз бериб тургани, у эккан дарахтлар мевалари кимларгадир соғлиқ улашаётгани кўз олдимиздан бирма-бир ўтди. Яхшидан боғ қолади. Назаримизда, умрингдан бир кун қолса ҳам гул, дарахт кўчати эк, деган ақидага амал қиладиган Қаюм Туропов бунга аллақачон эришиб бўлган.

Бошланиши 1-бетда.

**Нозима АРСЛОНОВА.**

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

*Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар ва болалар саломатлигини асраш борасида аниқ ва самарали тадбирларни, янгича ташаббусларни илгари сурмоқда.*

# БУТУН ОИЛА – СПОРТЧИ

Қуйи Чирчиқ тумани Кетмонтепа қишлоғида ташкил этилган "Отам, онам ва мен – спортчи" деб номланган спорт мусобақаси Соғлом она ва бола йили ҳамда Халқаро оила кунига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар орасида қувноқ лаҳзаларга бойлиги билан ажралиб турди. Унда шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, тумандаги тиббиёт ва таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда ҚФЙ фаоллари иштирок этди.

Дастлаб, "Чақмоқ" маҳалласидаги 25-умумтаълим мактабида қўмита ташаббуси билан ўқитувчи ва ўқувчиларга бирламчи тиббий-санитария ва профилактик ёрдам кўрсатиш, ўқувчиларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланиши, санитария-гигиена нормаларига риоя қилишни тарғиб этиш, ёшлар онгига тиббий маданиятни сингдириш мақсадига йўналтирилган намунали тиббиёт хонасининг тақдимоти бўлиб ўтди.



Спортчи оилалар ўртасидаги мусобақада эса тўрт жамоа ўзаро беллашди.

Югуриш, акробатика, арғамчида сакраш, чамбаракда машқ бажариш каби шартлар бўйича ўз маҳоратини тўлақонли намойиш этган Қаюмовлар оиласи 1-ўринга муносиб кўрилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**
*Даврон АҲМАД олган сурат.*

# БИТИРУВЧИНИНГ ШАХСИЙ КОРХОНАСИ

*Мамлакатимизда ёшларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, имконият ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли ўз иқтидорини намоён этаётган йигит-қизлар сафи кенгайиб бормоқда.*

Рағбат

Мусажон Фарҳодов Ўрта Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг учинчи босқичида ўқиб юрганда тадбиркорликка қизиқа бошлади. Ўшанда коллежда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси кенгаши ташаббуси билан битирувчилар учун учрашув ташкил этилиб, иштирокчиларга тадбиркорлик фаолиятига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, тижорат банкларидан кредит олиш, солиқ сиёсати, яратилаётган имтиёз ва преференциялар юзасидан ҳуқуқий тушунча ва тавсиялар берилди. Шундан сўнг партиянинг "Ёшлар қаноти" кўмагида хусусий корхонасини ташкил этишга муваффақ бўлди.

– Мамлакатимизда биз, ёшларнинг камолотига қаратилаётган улкан эътибор, хусусан, ўз бизнесимизни йўлга қўйиш учун кўрсатилаётган ғамхўрликлардан беҳад хурсандмиз, – дейди Мусажон Фарҳодов. – Мен ҳам кўпчилик тенгдошларим қатори шу имкониятлар туфайли "Халқ банки"нинг 30 миллион сўмлик кредитидан фойдаланиб, шахсий бизнесимни йўлга қўйдим. Корхонада дастлаб икки киши ишлаган бўлса, ҳозир олти киши меҳнат қилмоқда.

Ҳозирги кунда у раҳбарлик қилаётган "Мусажон-Марҳамат" масъулияти чекланган жамияти тайёрлаётган нон ва қандолат маҳсулотлари туман аҳолиси, умумтаълим мактаблари ҳамда боғчаларга етказиб берилмоқда.

Эндигина йигирма бир ёшни қаршилаган тадбиркор 2015 йилда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси ўтказган "Мулкдор оила" лойиҳаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этган "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" кўрик-танлови ғолиби бўлди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## Табиатни асраш – бурчимиз

*Маълумотларга кўра, 1 туп дарахт йил давомида 6 кишини кислород билан таъминлайди, 1 гектар майдондаги игна баргли дарахтлар йилига 30 тонна, япроқли дарахтлар 16 тонна кислород ишлаб чиқаради.*

Паркент туманидаги 46-умумтаълим мактабида "Табиатни асраш барчамизнинг бурчимиз" мавзуида ташкил этилган тадбирда бу алоҳида таъкидланди.

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳудудий бўлими мутахассислари, ўқитувчи ва ёшлар иштирок этган тадбирда она табиатни асраб-авайлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганишга бўлган қизиқишни ошириш, мактабларда табиат билан боғлиқ турли тўгараклар ташкил этиш орқали ёшлар онгига экологик тарбияни сингдириш хусусида фикр алмашилди.

Шу куни тадбир иштирокчиларига мактаб ўқувчилари томонидан ташкил этилган жонли бурчакдаги турли қушлар, ранг-баранг гул ва манзарали буталар намойиш этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

Хизмат

*Юртимизда аҳоли тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида бугун куннинг исталган қисмида бехавотир юришимиз, ишга, ўқишга бемалол, ҳадиксиз бориб келишимиз мумкин. Бунда эса, албатта, ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлимларининг ҳиссаси катта.*

# ХОТИРЖАМЛИККА НИМА ЕТСИН?

Ҳозирда қўриқлаш бўлимлари томонидан халқ хўжалиги объектлари, фуқаролар хонадонлари, йирик корхоналар, сув омборлари, банклар ва бошқа кўплаб муассасалар ишончли тарзда қўриқланмоқда.

... Чирчиқ шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига шаҳардаги И. Юсупов кўчасида жойлашган "Чирчиқ плюс" МЧЖ ўйинчоқлар дўконида ўғирлик содир бўлаётгани ҳақида хабар келди. Қўриқлаш хизмати милиционерлари сержант Э. Ашурметов, кичик сержант С. Эманов ва сафдор М. Муродовлар воқеа жойига зудлик билан етиб бориб, кўнгилсизликнинг олдини олишди.

Огоҳлик – барчамизнинг бурчимиз. Фуқароларимизнинг ҳушёрлиги сабаб, бир тадбиркор ишончли ҳимояда эканини ҳис қилиб, фаолиятини давом эттиришига имкон яратилди.

Фуқароларимиз тинчлиги йўлида фаоллик кўрсатаётган қўриқлаш хизмати ходимлари билан йўлга қўйиладиган ҳамкорлик эса бу каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишда катта самара беради. Зеро, ҳамкорликда ҳикмат кўп.

**Э. КУЗИЕВ,**
**ИИВ "Қўриқлаш" бирлашмаси матбуот гуруҳи катта инспектори.**

# Истиқболли лойиҳалар амалиёти

Бу борада барқарор ва ишончли фаолият юритиб келаётган "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ҳам иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ана шундай кенг кўламдаги саъй-ҳаракатлар банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари томонидан ҳам олиб борилмоқда. Кейинги йилларда банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўлами янги босқичга кўтарилиб, мижозларни ўзига жалб қилаётганлиги ҳам амалга оширилаётган ишлар самарасидир. Банк бошқармаси жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, турли тадбиркорлик йўналишларини кредитлаш мақсадида 280 млрд. сўмдан ошиқ маблағ йўналтирди. Бу эса ҳудудларнинг янада обод ва фаровон бўлишига, аҳолининг турмуш даражаси ўсишига, турли тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига сабаб бўлаётир.

## Саҳифа меҳмони

**Истиқлол йилларида мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларининг ишончли ҳамкорига айланди. Бу эса юртимизда ишбилармонлик муҳитининг яхшиланганлиги ҳамда банклар томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар тури кенгаяётганидан далолат беради.**

AGROBANK




**Обод юртда яшаш – бахт**

Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик нақадар буюк неъмат эканлигини ватандошларимиз дилдан ҳис этмоқда. Албатта, буларнинг бари муҳтарам Президентимиз томонидан халқимизнинг обод ва фаровон юртда бахтли ҳаёт кечиришлари учун олиб борилаётган одилона сиёсатнинг амалий ифодасидир. Айниқса, давлатимиз томонидан оилавий, хотин-қизлар, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга, уларнинг истиқболли бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламдаги ишлар ҳам фикримиз далили бўла олади. Бундай лойиҳалар тижорат банклари томонидан молиялаштирилаётгани эса муваффақиятлар омили бўлаяпти. Бу жараёнда "Агробанк" ҳам четда тургани йўқ.

– "Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг Нуробод филиали томонидан истиқболли бизнес лойиҳамизга асосан 130 миллион сўм миқдорида кредит олишга эришдик, – дейди "Булоқов Обиджон Қаршибоевич" оилавий корхонаси раҳбари Обиджон Булоқов. – Натижада, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, аҳолига қурилиш маҳсулотларини етказиб бериш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида замонавий дастгоҳлар сотиб олдик. Фаолиятимизни такомиллаштиришда банк томонидан тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбиркорликни йўлга қўйиш билан бир қаторда аҳоли бандлигини таъминлаш учун 6 та янги иш ўрни яратдик. Ҳозирда аҳолига сифатли қурилиш маҳсулотлари етказиб бермоқдамиз. Маҳсулотларимиз харидорлари кундан-кунга ортиб бормоқда.

**Кичик бизнесга кенг йўл**

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Шу сабабли ҳам кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги улуши тобора ортаётир.

– Юртбошимиз раҳнамолигида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритишларига қулай шароит яратиш, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини тўла қондириш мақсадида тизимли ишлар олиб борилаётир. Буларнинг барчаси тадбиркорларнинг ўз бизнесларини самарали ташкил қилишида мустаҳкам замин бўлмоқда, – дейди якка тартибдаги тадбиркор Мурoджон Эгамқулов. – Бизнесимни йўлга қўйишда ана шу жиҳатларга эътибор қаратиб, иш бошладик. "Агробанк"нинг Иштихон филиали томонидан берилган 25 миллион сўм кредит маблағи асосида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий технологик ускуналар олиб келдик. Шунингдек, ушбу маблағ туфайли маҳалладошларим учун 6 та янги иш ўрни яратдик. Замонавий технологиялар асосида кунига аҳолига сифатли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз.

Мухтасар айтганда, "Агробанк" истиқболли бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш орқали халқимиз турмуш даражасини ошириш, юртимиз иқтисодиётига муносиб улуш қўшишдек эзгу юмушларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилган. У бунёдкорлик йўлида бозор муносабатларига вақтида муносабат билдираётган, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини доимо кенгайтираётган банк сифатида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб, халқимиз ишончини қозониб келаётир.

**Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ.**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2520-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 апрелдаги 01-03/1-251-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида Қибрай тумани ҳокимлигида барча қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, ер участкаларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, йиғиб олинган ва қайта ишланган мева-сабзавотларни экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш, ички истеъмол бозорини йил давомида мева-сабзавот, картошка, узум ва полиз маҳсулотлари билан тўлдириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

**Қибрай тумани ҳокимлиги туман захира ерлари таркибига олинган ер майдонларини узоқ муддатли ижарага бериш бўйича танлов (тендер) ўтказиладиган ер участкаларини жойлашган манзили ва ҳудудларида 20 майга қадар мақбуллаштиришни тўлиқ якунлаш чораларини кўриш мақсадида танлов**

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1.** "Дўрмон Агро Бизнес" агрофирмаси – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 105 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 352,22 га, шундан 146,54 га суғориладиган, 182,68 га боғ ва 9,6 га узумзор ер майдонлари.

**2.** "Байткўрғон Марвариди" агрофирмаси – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 119 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 553,51 га, шундан 369,95 га суғориладиган, 4,26 га мелиоратив ҳолати ёмон, 124,1 га боғ ва 10,2 га узумзор ер майдонлари.

**3.** "Чинобод Агро Бизнес" агрофирмаси – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 53 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 275,34 га, шундан 184,23 га суғориладиган, 24,34 га мелиоратив ҳолати ёмон, 63,01 га боғ ва 9,67 га узумзор ер майдонлари.

**4.** "Маданият Агро Бизнес" агрофирмаси – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 82 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 293,42 га, шундан 170,78 га суғориладиган, 3,24 га мелиоратив ҳолати ёмон, 99,23 га боғ ва 11,28 га узумзор ер майдонлари.

**5.** "Қибрай ОАЗИС" сув истеъмолчилар уюшмаси – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 209 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 811,3 га, шундан 362,3 га суғориладиган, 2,85 га лалми, 336,46 га боғ ва 73,39 га узумзор ер майдонлари.

**6.** "Истиқлол Давр Зиёси" агрофирмаси – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 112 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 530,34 га, шундан 366,64 га суғориладиган ва 131,08 га боғ ер майдонлари.

**7.** "Р. Мусамуҳамедов" агрофирмаси – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 93 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 375,35 га шундан 202,64 га суғориладиган, 112,64 га боғ ва 35,62 га узумзор ер майдонлари.

**8.** "Т. Нормуҳамедов" агрофирмаси – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 61 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 313,61 га, шундан 241,47 га суғориладиган, 13,5 га мелиоратив ҳолати ёмон ва 47,37 га боғ ер майдонлари.

**9.** "ПСУЕАИТИ" сув истеъмолчилар уюшмаси – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 57 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 225,95 га, шундан 147,42 га суғориладиган, 58,51 га боғ ва 6,72 га узумзор ер майдонлари.

**10.** "Шалола Обир Равон" сув истеъмолчилар уюшмаси – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 34 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 284,5 га, шундан 197,65 га суғориладиган, 1,1 га лалми ва 36,37 га боғ ер майдонлари.

**11.** "Жомий Искандар" сув истеъмолчилар уюшмаси – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 61 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 346,4 га, шундан 188,32 га суғориладиган, 23,75 га ҳолати ёмон, 13,21 га лалми, 108,13 га боғ ва 8,09 га узум ер майдонлари.

**12.** "Турон Замин Агро Файз" агрофирмаси – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 59 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 199,76 га, шундан 125,4 га суғориладиган ва 58,24 га боғ ер майдонлари.

**13.** "Туркистон Оби Раҳмат" сув истеъмолчилар уюшмаси – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 134 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 2594,3 га, шундан 1416,4 га суғориладиган, 146 га ҳолати ёмон, 333,6 га лалми, 93,7 га боғ ва 24 га узумзор ер майдонлари.

**14.** "Мева-кўчатчилик" – ҳудуди бўйича танловга қўйилган жами 6 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 26,04 га, шундан 12,55 га суғориладиган, 146 га ҳолати ёмон, 333,6 га лалми, 93,7 га боғ ва 24 га узумзор ер майдонлари.

**15.** Бошқалар (Наслчилик, Педагогика институти тажриба хўжалиги, ЮТМ парранда) – бўйича танловга қўйилган жами 5 та лойиҳа бўлиб, жами ер майдони 31,87 га, шундан 24,46 га суғориладиган ва 5,46 га боғ ер майдонлари.

Лойиҳага даъвогарлар ҳудудий агрофирма ва қишлоқ фуқаролар йиғинларига мурожаат этишлари сўралади. Танловга ариза ва талаб этиладиган ҳужжатлар ҳудудий комиссияларга топширилади.

**Қўшимча маълумот учун телефонлар: 150-33-55, 289-34-26, 150-08-47.**

---

**Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти, "Respublika mulk markazi" АЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич нархи босқичма босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади**

Аукцион савдосига қуйидаги давлат улуши қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уй манзилида жойлашган "Yengtijmarkaz" МЧЖ устав фондидаги 25 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи - 281 116 000 сўм.

Балансда сақловчи: "O'zbekyengilsanoat" АЖ.

Фаолияти ихтисоси: улгуржи савдо (тикув саноати).

Савдо ташкилотчиси: "Respublika mulk markazi" АЖ "Toshkent mintaqaviy filiali", Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Телефон/факс: (0-371) 233-28-52, (0-371) 233-49-31. Веб сайт: www.rmm.uz. Электрон почта: mintaqa-birja@inbox.uz. Гувоҳнома № 001580.

Аукцион савдоси 2016 йил 22 июнь куни соат 12.00 да Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй, 3-қаватда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2016 йил 6, 20 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоси натижаси бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат улуши бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси ("Respublika mulk markazi" АЖ "Toshkent mintaqaviy filiali")нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиали ҳ/р: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 233-28-52, 233-49-31.

Электрон почта: mintaqa-birja@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz.

*Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!*

---

## АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Чирчиқ филиали биносида**

2016 йил 20 май куни соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари С. Ходжаев бошчилигида фуқаролар ва тадбиркорларнинг мурожаатлари юзасидан сайёр қабул ташкил этилади.

**"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Чирчиқ филиали манзили: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Межканальная кўчаси, 1-А уй. (Мўлжал: Чирчиқ шаҳар ҳокимияти биноси ёнида).**

**Маълумот учун телефонлар: (+99871) 244-55-52, 244-73-25.**

*Қабулга шахслар паспортлари билан келишлари лозим.*

---

Олмалиқ шаҳар ТСРЎИ томонидан 2015 йил 27 апрель куни 1125-сонли реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган Олмалиқ "SUVOQOVA" МЧЖ (ИНН 200599855) ҳамда Чирчиқ шаҳар ТСРЎИ томонидан 2015 йил 27 апрелда № 079 реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган "CHIRCHIQ SUVOQOVA" МЧЖ (ИНН 200941730) Қибрай тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "TOSHVILSUVOQOVA" ДУКга қўшилишини маълум қилади. "TOSHVILSUVOQOVA" ДУК Олмалиқ "SUVOQOVA" МЧЖ ҳамда "CHIRCHIQ SUVOQOVA" МЧЖнинг барча турдаги мажбуриятлари юзасидан ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Даъволар Қибрай тумани, Қибрай шаҳарчаси, У. Юсупов кўчаси, 1-уйда ёки 150-56-00 телефон рақами орқали қабул қилинади.

---

# Ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўқишга марҳамат!

## Тошкент вилоятида ягона, айрим фанлар чуқур ўргатиладиган Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ДИМИ) Ангрен шаҳри марказидаги 4,2 гектар майдонни эгаллаган. Унинг бошқа оддий мактаблардан фарқли жиҳатлари:

– оддий мактабларда инглиз тили ва математика фанлари ҳафтасига 5 соат, бу ерда эса 9 соат ўқитилади;

– ҳар бир синфда ўқувчилар сони 30 нафардан ошмаган бўлиб, инглиз тили, математика, информатика ва рус тили фанлари икки гуруҳга ажратиб ўқитилади;

– куннинг иккинчи ярмида ҳафтасига 3 соат инглиз тили ва 3 соат математика фанларидан бепул қўшимча машғулотлар ўтказилади;

– ДИМИда пулсиз таэквандо, кураш, волейбол, шахмат, рақс, қўғирчоқбозлик ва фан тўгараклари (жами 26 та тўгарак) фаолият кўрсатмоқда;

– асосий дарслардан сўнг 21-30 га қадар тарбиячилар томонидан фан тўгаракларии ва уйга вазифани тайёрлаш машғулотлари ўтказилади;

– оддий мактабларда тарбиячи штати мавжуд эмас, ДИМИда эса тонгги, кундузги, кечки ва тунги турдаги жами 30 нафар тарбиячи ўқувчилар билан шуғулланади;

– ДИМИда жами 80 та "Пентиум-4" русумидаги компьютер мавжуд бўлиб, 2 та компьютер синфи ва 4 та видеопроекторлардан фойдаланилмоқда (ҳар бир фан кабинетида ишчи ҳолатидаги компьютерлар мавжуд);

– 12000 номдаги китоб фондига эга бўлган кутубхона ва қироатхона ўқувчилар хизматида;

– барча фанлардан Ангрен шаҳри ва Оҳангарон тумани мактабларидан таклиф этилган юқори малакали мутахассис-ўқитувчилар дарс олиб борадилар;

– республикамиздаги биронта мактаб ёки мактаб-интернат ихтиёрида 3 та тўрт қаватли бино мавжуд эмас. ДИМИ тасарруфида 2 та тўрт қаватли (жами 540 ўринли) ўқувчилар ётоқхонаси ва битта тўрт қаватли (12х24 ҳажмдаги спорт зал, шундай ҳажмдаги ошхона ва 12х30 ҳажмдаги мажлислар зали) ўқув биноси фаолият кўрсатмоқда (учала бино ҳам бу йилдан бошлаб табиий газ билан иситилади);

– иккита стадион ўқувчилар хизматида;

– вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларидан келган ўқувчилар кунига тўрт маҳал сифатли иссиқ овқат билан таъминланадилар;

– 2015 йилда 1,5 млрд. сўмлик маблағ эвазига капитал реконструкция қилинган 260 ўринли 1-ётоқхонада барча коммунал шароитлар муҳайё қилинган бўлиб, юмшоқ мебель, компьютер ва телевизорлар билан таъминланган;

– шу кунларда ўқув биносининг бир қисми 1,8 млрд. сўмлик маблағ эвазига капитал реконструкция қилинмоқда;

– маҳалла қўмитасининг кам таъминланган оилалар рўйхатида турувчи ўқувчиларнинг ота-оналари тўлов бадалидан озод қилинадилар;

– ДИМИга 4-, 5-, 6-, 7- ва 8-синфни тугатган иқтидорли ва соғлом ўқувчилар ўқишга қабул қилинадилар. Ўқишга талабгорлардан ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ҳужжат топширишнинг сўнгги муддати 20 июль.

**Қабул масалалари бўйича мурожаат учун телефонлар: (+99890) 352-62-02, (+99893) 596-02-89, (+99893) 629-88-33, (+99893) 640-24-91, (+99893) 555-09-80.**

**Манзил: Ангрен шаҳри, 48-даҳа, 1-Б уй (шаҳар марказий шифохонаси ёнида).**

# Спорт хабарлари

## Дзюдочиларимиз маҳорати

*Чирчиқ шаҳрида дзюдо бўйича кадетлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё очиқ кубогида ўнга яқин давлатдан 150 дан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.*

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жадал ривожланаётган болалар спорти ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом тарбиялаш ва ўзбек спортининг жаҳондаги нуфузини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз дзюдо федерацияси томонидан ташкил этилган нуфузли мусобақада полвонларимиз 25 олтин, 21 кумуш ва 31 бронза медални қўлга киритишди.

Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига олтин медалларни Алишер Жўраев, Беҳруз Омондавлатов, Шаҳбоз Пўлатов, Артем Штурбабин, Мусо Собиров, Гулойим Жумабоева, Шаҳноза Омонова, Шаҳзода Усмонова, Маҳлиё Маннонова, Умида Саидова каби ёш истеъдод эгалари келтирди.

– Осиё кубогида ғолиб бўлганимдан хурсандман, – дейди самарқандлик Ш. Омонова. – Келажакда қитъа ва жаҳон чемпионатлари ҳамда Олимпия ўйинларида ғалаба қозонишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

**ЕНГИЛ АТЛЕТИКА.** **Хитой**нинг Шанхай шаҳрида ўтказилган "Бриллиант лига"нинг иккинчи босқичида муносиб иштирок этган спортчимиз Надия Дўсанова XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, баландликка сакраш баҳсларида Н. Дўсанова 1,94 метр натижа қайд этиб, кумуш медалга сазовор бўлди ва Олимпиада йўлланмаси учун белгиланган меъёрни бажарди.

Айни пайтда, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига йўлланма олган спортчиларимиз сони саксонга етди.



**ЎҚ ОТИШ.** **Германия**да ўтказилган халқаро турнирда спортчиларимиз шоҳсупага кўтарилди. Дунёнинг ўттиздан зиёд давлати спортчилари иштирокида ўтказилган турнирнинг пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича шахсий баҳсларида Вадим Скороваров олтин медалга сазовор бўлди. Пневматик тўппончадан ўқ отиш мусобақасида Муслима Йўлдошева иккинчи ўринни эгаллади.



Пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича жамоавий баҳсларда иштирок этган Вадим Скороваров, Саидхон Сайфуддинов ва Суҳроб Мирзажоновдан иборат жамоамиз кумуш медални қўлга киритди.

**Б. АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МАЪНАВИЙ ТАРҒИБОТНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ

Бошланиши 1-бетда.

Бу иш шунинг учун ҳам зарурки, дунё миқёсида кечаётган бугунги мураккаб жараёнлар, хусусан, ахборот оламининг глобаллашуви ва "оммавий маданият" ниқоби остида ҳаётимизга, турмуш тарзимизга турли кўринишларда, турлича йўллар билан кириб келаётган нохушликлар, миллий менталитетимизга мутлақо зид ғайриахлоқий "қадрият"лар шароитида маънавий тарғибот муҳим ижтимоий заруратга айланди. Бундай шароитда турли ғаразли мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилаётган бузғунчи кучлар дунёқараши тўла шаклланмаган, ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган ёшларни мўлжалга олади, аниқроғи, маънавий тарбия ва тарғибот қаерда суст олиб борилса, ёшлар тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилган, қизиқиш ва эҳтиёжлари эътиборга олинмаётган бўлса, ўша ерга қараб интилади, ғаламисликларидан мутлақо бехабар, содда ва ишонувчан йигит-қизларнинг онгини заҳарлашга, тўғри йўлдан оздиришга уринади. Бу мақсадга эришиш учун ҳар қандай жирканч қилмишлардан ҳам қайтмайди. Аввалига ўта меҳрибон, сахий, ҳожатбарор бўлиб кўринади, ишончини қозониш учун мурувват кўрсатади, кейин эса "ўлжа"сининг онгига заҳарли нишини санчади.

Таассуфки, бузғунчиларнинг хавфли "тўри"га илиниб, тўқима чўпчакдан иборат ҳавойи ваъдаларига ишониб, ҳаётлари тамомила издан чиққан, ота-она, фарзандлар, қариндош-уруғ, маҳалла, эл-юрт олдида юзлари қора бўлганлар, орзу-умидлари саробга айланганлар, соғлиғидан айрилганлар оз эмас.

Телевидение орқали намойиш этилган бир кўрсатувда муштипар она минг умид билан вояга етказган ўғли нобакорлик йўлига кириб, киндик қони тўкилган Ватанига хиёнат қилганини айтар экан: "Ўғлим учун мен кечирим сўрайман, мен жазога лойиқман", дегани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Оқ сут бериб боққан онани бундай аҳволга солган фарзанднинг косаси ҳеч қачон оқармайди.

Бундан англашиладики, маънавий тарбия ва тарғибот билан касаллик авжига олиб, иллат урчий бошлаганида эмас, ўз вақтида изчил ва бир маромда шуғулланиш зарур. Бу ишни мавсумий ёки вақтинчалик деб тушунмаслик керак. Айни чоғда, кечикмаслик ҳам зарур. Бир кунлик бепарволикдан кейинчалик минг кунлик ғавғо келиб чиқиши аниқ. Ҳаётда бунга мисоллар кўп.



Маънавий тарбия билан шуғулланадиган бугунги тарғиботчи олдига қандай талаблар қўйилади? У нималарга эътибор бериши, тарғиботни ташкил этишда, аудитория қалбига йўл топишда қандай усуллардан фойдаланмоғи лозим? Бу ҳақда мулоҳаза юритганда, машҳур шоирнинг "Тарбиячи тарбияли бўлиши керак" деган хулосасини ёки Абдулла Қаҳҳорнинг жуссаси ушоқдеккина қаҳрамони Саидага берилган машҳур саволни ("Ўзингиз оила қурганмисиз, синглим?") эслашимиз мумкин, аммо биргина тарбиялилик ёки оилалиликнинг ўзи билан иш битиши қийин. Тарғиботчи, энг аввало, тадбир ўтказиладиган жойнинг тарихи, бугуни, истиқбол режалари, ўзига хос хусусияти, мустақиллик йилларида амалга оширилган намунали ишлар, ижобий натижалар, шу жойда туғилиб ўсган таниқли кишиларнинг ҳаёти ва фаолияти, аҳолининг яшаш шароити, мавжуд муаммолар, ёшларга эътибор, ёш оилаларга ғамхўрлик, янги иш ўринларини яратиш, касбга йўналтириш, тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг ривожи, кичик саноат корхоналарининг фаолияти ва бошқа бир қатор йўналишларга доир маълумотларга эга бўлса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Суҳбат ёки маърузада маҳаллий факт ва рақамлардан, мустақиллик йилларида давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган кишилар фаолиятидан келтириладиган мисоллар, бордию бундай эътироф эгалари шу ерда ҳозир бўлса, уларга сўз бериш, фикр-мулоҳазаларини эшитиш, муаммони биргаликда муҳокама қилиш яхши самара беради.

Аҳоли таркиби кўп миллатли бўлган шаҳар ва шаҳарчаларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилаётганда миллий истиқлол ғоясининг умуминсоний тамойилларига, Бош қомусимизда ўз ифодасини топган – миллати, тили, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимизнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларига эътиборни қаратиш, дунё давлатлари ҳаётидан айни шу ҳолат билан боғлиқ жонли мисоллар келтириш, таққослаш, Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кўрсатиш, халқимизга хос миллий ва диний бағрикенгликнинг тарихий илдизлари ҳақида сўзлаб бериш ва шу орқали тингловчиларда ягона Ватан, ягона мақсад туйғусини кучайтириш, уларни мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашишга, умумий масъулиятни ҳис этишга даъват қилиш зарур.

Чекка ва олис қишлоқларга борганда, аввалдан тайёрлаб қўйилган маъруза матнини қоғоздан бош кўтармай ўқиб беришдан воз кечиб, одамлар билан жонли мулоқотга киришиш, мутойиба қилиш, суҳбат чоғида яшаш шароитлари ҳамда талаб-эҳтиёжларини назарда тутиш, фикр-мулоҳазаларини диққат билан эшитиш, танқидий руҳда сўзлашларига имкон бериш учрашувдан кўзланган мақсадга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, айрим воизлар бундай оддий талабларга риоя қилишмайди. Кўпчиликка маълум, эскирган ва таъсирини йўқотган фактлардан фойдаланиш, уларни қайта-қайта такрорлаш, фақат ўзи гапириб, бошқаларнинг фикрларига эътибор бермаслик, калондимоғлик қилиш натижасида воиз ноқулай аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Маърузачи маҳалла миқёсидаги кичик бир тадбирга ҳам жиддий тайёргарлик кўриши, шу ерда истиқомат қилаётган нуроний отахон-онахонларнинг ҳаётидан қизиқарли мисоллар келтириши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқаро терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, диний ақидапарастлик каби иллатлар тинч ҳаётимизга хуруж қилиб, бегуноҳ инсонларнинг жонига қасд қилиб турган бир пайтда, маъруза мавзуи қандай бўлишидан қатъи назар, бу муаммони четлаб ўтиб бўлмайди. Тарғиботчи аср вабосига айланган бу иллатларнинг мақсад-муддаосини, ҳомийларини аниқ мисоллар ёрдамида тушунтириб бериши зарур. Энг муҳими, ўз уйимиз, ўз юртимизни, фарзандларимизнинг келажагини ўзимиз асрашимиз зарурлигини тингловчиларга англатмоқ муҳимдир.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети доценти.**

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 18 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15-17, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-18, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-12, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

Эълон

"Кўп тармоқли кўчмас мулк савдо" МЧЖ шуни маълум қиладики, "Халқ сўзи" газетасининг 20.04.2016 йилдаги № 77 ҳамда "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 20.04.2016 йилдаги № 32-сонларида чоп этилган эълондаги "бошланғич нархи – 122 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тузель 2-мавзесидаги, 13-уй, 58-хонадон" аукцион савдосидан олинди. Асос: Яккасарой тумани СИБнинг 16.05.2016 йилдаги №20381-82-сонли хати.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

## Жиноятга жазо муқаррар

*Эрта тонг. Яна бир ойдин кунни қарши олганингга бир қувонсанг, ҳали ширин уйқусидан кўз очолмаган дилбандларингни саломат кўрганингга икки ҳисса қувонасан. Элу юрт тинч, осмонимиз мусаффо, тунларимиз осуда. Энг асосийси, оиламиз, яқинларимиз ёнимизда, маҳалла, қўни-қўшни тинч-омон. Ҳамма ўз ташвишлари, орзу-ҳаваслари билан банд.*

# БИР ҲАФТА ВА БУТУН УМР

Турфа ўзгаришлару янгиланишлар туфайли юртимиз янада чирой очиб бораётганини кўриб эса кўзинг қувнайди. Бунёдкорлик йўлида хизмат қилаётган юртдошларингга меҳринг ошади, қайта-қайта таҳсинлар айтасан. Қани энди ҳамма ҳалол меҳнат қилиб рўзғор тебратса, комил фарзандларни улғайтириб, эл-юрт равнақига ҳисса қўшса, атрофдагиларга нафи тегса.

Афсуски, орамизда шундай инсонлар ҳам борки, улар билдирилган ишончни суиистеъмол қилиб, фарзандларига ҳаром луқма тутаётганларини, ҳаттоки, ўйлаб ҳам кўрмаяптилар. Бинобарин, эндигина 30 ёшни қаршилаган "қаҳрамон"ларимиз – тожикистонлик Рустам Қулматов ва юртдошимиз Умид Мамировлар бугун суднинг қора курсисини бежизга "эгаллашмади".

Олмалиқ кончилик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси У. Мамиров Олмалиқ шаҳар "Монокристал" хусусий корхонаси норасмий ишчиси Р. Қулматовлар пул топишнинг осон йўлларини излай бошладилар. Бу "уддабурон"лар Олмалиқ кончилик касб-ҳунар коллежига кириш истагида бўлганлардан пул ундиришни ўйлаб топишди. Иш "номзод" излашдан бошланди. Талабгорлар ҳам тезда топила қолганидан улар хурсанд эди.

У. Мамиров ўқишга кириши керак бўлган йигитнинг тоғаси билан гаплашиб, ёрдам беришга ваъда қилди. Имтиҳонга эса жиянининг ўрнига "каллали" бола киришини айтиб, эвазига 700 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олдиндан беришга тоғани кўндирди.

2015 йил 16 июнь. Бу томонлар Олмалиқ шаҳридаги "Ойдин" бозорида учрашув белгилашган кун. "Ишбилармон"лар наздида иш силлиқ кўчаётганди. Лекин бу ишнинг оқибати улар ўйлагандек якун топмади. Йигитлар пул олаётган вақтларида тегишли органлар ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинди.

Ўзгаларни алдаган бу фирибгарларнинг қинғир ишлари фош этилди. Охирини ўйламай, нафсини қондириш учун қилинган иш уларни суднинг қора курсисига етаклаб борди. У. Мамиров ва Р. Қулматовларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг 110 баравари миқдорида жарима тайинланди. Ҳукмни чиқаришда айбдорларнинг айбларига иқрорлиги, чин дилдан пушаймонлиги, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги, ҳамда энг асосийси, давлатимизда инсонпарварлик ва демократик тамойилларнинг устуворлиги инобатга олинди.

Бор йўғи бир ҳафта. Ана шу қисқа муддат Рустам билан Умиднинг ҳаётида бир умрлик доғ қолдирди. Афсус, шу бир ҳафтагина муддат ичида бу йигитлар нопок хатти-ҳаракатлари эвазига жиноятчи деган ном орттиришди. Бошқа томондан оила бюджетига зарар етди. Агар Рустам ва Умиднинг имони бут, иродаси мустаҳкам, нияти пок бўлганида бундай ҳолат юз бермас эди.

**Нодира НАЖИМОВА.**

# КЕЙИНГИ МАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

*Бугун спорт одамларнинг оиласига, онгига кирди, турмуш тарзига айланди. Спорт билан шуғулланган ўғил-қизларимиз соғлом, бақувват ва қатъиятли бўлиб улғаймоқда, дунёқараши бойимоқда. Табиийки, руҳан тетик, жисмонан бақувват, фикри тиниқ бу ёшлар бошқа тенгдошларида ҳам спортга ҳавас уйғотмоқда. Энг муҳими, фарзандларини чемпион сифатида кўришни истайдиган ҳавасманд ота-оналарнинг умид ниҳоллари камолга етиб, ўз мевасини бермоқда.*

## Офарин

Зангиота туманидаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 2003-2004 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида бел олиш кураши бўйича Ўзбекистон чемпионатини кузата туриб, шу фикрлар хаёлимиздан ўтди.

Мавжуд шарт-шароит ҳамда алоҳида эътибор туфайли кейинги йилларда юртимиз ёшлари орасида кураш тобора оммалашиб бормоқда. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган навбатдаги беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан келган 250 дан зиёд полвонлар ўзаро куч синашишди. Шуниси эътиборлики, унда Қозоғистон Республикаси вакиллари ҳам иштирок этишди. Бу эса, мазкур спорт турининг нуфузи ва даражаси йилдан-йилга юксалиб бораётганидан дарак беради.

– Илгари қишлоқ ёшларининг қайсидир мусобақада иштирок этиб, бирор натижага эришиши мушкул эди, – дейди мураббий Дилмурод Абдураҳмонов. – Бугун қишлоқ ёшларининг бундай ютуқлари, навқирон авлод вакилларининг кетма-кет ғалабалари одатий ҳолга айланди. Кундан-кунга спорт билан ҳамнафас бўлиб, чемпионлик шоҳсупасига кўтарилаётган ўғил-қизларимиз сафи кенгайиб бормоқда.

– Юртимизда биз ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар туфайли бугун юксак марраларга эришмоқдамиз, – дейди мусобақа ғолиби паркентлик Иброҳим Тоҳиров. – Бугунги ғалаба келгусида жаҳон спорт майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғолиблар сафида бўлишимиз учун улкан рағбат ва куч бағишлайди.

Қизғин ва муросасиз баҳсларга бой тарзда ўтган мусобақада вилоятимиз терма жамоаси вакиллари 5 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалларига эга бўлишди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти жамоаси биринчи, Фарғона жамоаси иккинчи ва Наманган жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорлар Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи Муқаддас ИСРОИЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-5965. Адади 11855. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.15.